

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИСЛОМОВ АКМАЛ ХУШВАҚОВИЧ

**МАДАНИЙЛАШТИРИЛГАН ВА ЁВВОЙИ ЎСУВЧИ *LAGOSCHILUS*
INEBRIANS ЎСИМЛИГИНИ ҚИЁСИЙ КИМЁВИЙ ЎРГАНИШ ВА
ЛАГОХИЛИН ҲОСИЛАЛАРИНИНГ СУВДА ЭРУВЧАН
КОМПЛЕКСЛАРИ СИНТЕЗИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исломов Акмал Хушвакович:

Маданийлаштирилган ва ёввойи ўсувчи *Lagochilus inebrians* ўсимлигини қиёсий кимёвий ўрганиш ва лагохилин ҳосилаларининг сувда эрувчан комплекслари синтези..... 3

Исломов Акмал Хушвакович:

Сравнительное химическое исследование культивированного и дикорастущего *Lagochilus inebrians* и синтез водорастворимых комплексов производных лагохилина..... 21

Islomov Akmal Khushvakovich:

Comparative chemical study of the cultivated and wild *Lagochilus inebrience* plants and synthesis of water-soluble complexes of lagochillin derivatives..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИСЛОМОВ АКМАЛ ХУШВАҚОВИЧ

**МАДАНИЙЛАШТИРИЛГАН ВА ЁВВОЙИ ЎСУВЧИ *LAGOSCHILUS*
INEBRIANS ЎСИМЛИГИНИ ҚИЁСИЙ КИМЁВИЙ ЎРГАНИШ ВА
ЛАГОХИЛИН ҲОСИЛАЛАРИНИНГ СУВДА ЭРУВЧАН
КОМПЛЕКСЛАРИ СИНТЕЗИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/K16 рақам биланан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб
саҳифасида (www.biochem.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Далимов Давранбек Нигманович

кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдушукуров Анвар Кабирович

кимё фанлари доктори, профессор

Рамазанов Нурмурад Шералиевич

кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети,
Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли Илмий
кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125,
Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262 35 40, факс: (99871) 262 70 63)

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек
кўч., 83. Тел.:262 35 40, факс (99871) 262 70 63, e-mail:shsha@mail.ru)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., академик

Ш.А.Шомуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.ф.д

М.Б.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида ўсимликлардан доривор моддаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмалар юқори биологик фаолликка эга бўлиб, бундай бирикмалар орасида терпеноидлар ва уларнинг ҳосилалари алоҳида ўрин эгаллайди. *Lagochilus* тури ўсимликлари ўзининг шифобахш хусусияти билан катта амалий аҳамиятга эга. Улар Шарқда қадимдан самарали қон тўхтатувчи доривор ўсимликлар қаторига киритилган бўлиб, турли хил қон кетиш жараёнларида самарали дори восита сифатида қўлланилиб келинади. Лагохилус ўсимлигининг асосий таъсир этувчи моддаси тўрт атомли спирт-лагохилин дитерпеноиди ҳисобланади. Лагохилин ва унинг турли хил ҳосилаларини синтез қилиш ҳамда биологик фаолликларини аниқлаш, улар асосида гемостатик фаолликка эга бўлган самарали дори воситаларини яратиш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Дунёда лагохилин дитерпеноиди сақловчи янги ўсимлик турларини аниқлаш ва фаоллиги юқори ҳосилаларини ажратиб олиш ҳамда структураларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Лагохилин дитерпеноидининг асосий манбаси бўлган *Lagochilus* тури ўсимликлари орасидан янги манбаларни аниқлаб, таркибидан лагохилин дитерпеноидларини ажратиш, индивидуал бирикмаларни тузилишини исботлаш, модификация йўли билан биологик фаоллиги юқори ҳосилаларини синтез қилиш, ажратилган ва модификацияланган янги ҳосилаларни таққослаб биологик фаоллигини аниқлаш, биологик фаоллиги юқори бўлган мавжуд хом ашё манбаларидан ажратиб олинган фаол бирикмаларни амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда маҳаллий хом-ашёлар асосида самарали дори воситаларини яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва миллий фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида рақобатбардош препаратларни табиий ўсимлик хом-ашёлари асосида ишлаб чиқишни ташкиллаштириш борасида бир қатор муҳим амалий натижаларга эришилди. Лагохилус ўсимлиги асосида қатор қон тўхтатувчи дори воситалари (лагоден, лаговин ва глилагин) яратилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида “фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш”¹ юзасидан қатор муҳим вазифалар белгилаб

¹ 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармон

берилган. Ушбу вазифаларни бажаришнинг маълум бир йўналиши доирасида *Lagochilus inebrians* Bge ўсимлигини интродукция қилиш ва кимёвий таркибини қиёсий ўрганиш, унинг асосий таъсир этувчи моддаси лагохилиннинг ацетил ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларини олиш ҳамда биологик фаоллигини ўрганиш, янги биологик фаол бирикмаларни олишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3729-сон «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика Фан ва технологиялар ривожланишининг VI. Тиббиёт ва фармакология устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лагохилус ўсимлиги турига кирувчи ўсимликларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, таниқли ботаник Леман Ўрта Осиёга келиб лагохилус авлодига кирувчи бир қатор ўсимликлардан намуналар олган. Аммо ушбу намуналарни Леманнинг ўлиmidан сўнг А.Бунге томонидан ўрганилиб янги, *Lagochilus inebrians* Bunge турини таърифлайди. Рупрехт Тянь-Шань экспедициясида иштирок этиб, *Lagochilus platyacanthus* Rupr ва *L. kaschgaricus* Rupr. турларини аниқлаган. Даниялик ботаник Паульсен Помир тоғларида ўсимликларнинг катта гербарийсини тайёрлайди. Брике ушбу гербарийларни таҳлил қилиб, лагохилуснинг янги турини аниқлади ва унга *Lagochilus Paulsenii* Briq. номини берган. О.Э.Кнорринг Ўрта Осиёда ўсувчи 10 та лагохилуснинг янги турларини (*L. subhispidus* Knorr, *L. zeravschanicus* Knorr., *L. macrodontus* Knorr., *L. Androsovii* Knorr, *L. turkestanicus* Knorr. *L. schugnanicus* Knorr., *L. usunachmaticus* Knorr., *L. longidentatus* Knorr., *L. Nevskii* Knorr., *L. kschtutensis* Knorr.) кашф этади.

Республикаимизда мазкур йўналиш ривожига катта ҳисса қўшган О.С.Содиқов, И.Э.Акопов, М.М.Абрамов, Т.П.Пўлатова, М.И.Икрамов, И.И.Ибрагимов, Т.Р.Абдурахманов, С.А.Ауелбеков, У.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Далимов сингари олимлар *Lagochilus* ўсимликларининг кимёвий

таркибини ўрганишган. И.Ф.Проскурина ва Л.М.Уткинлар лагохилус ўсимлигидан стахидрин алкалоидини ажратиб олишган. Р.Л.Хазанович томонидан *L. inebrians* гуллаш ва уруғ ҳосил қилиш даврида 0,217% эфир мойи сақлашини аниқланган. М.И.Икрамов ва М.И.Чижлар *L. inebrians* ўсимлигини вегетатив даврига қараб эфир мойларини ҳосил бўлиш динамикасини ўрганишган. Илмий адабиётларда баён қилинишича, *Lagochilus* ўсимликларидаги асосий таъсир этувчи моддалари сифатида лагохилин ва унинг ацетил ҳосилалари кўрсатилган. *Lagochilus* ўсимликларидан қатор табиий бирикмалар ажратиб олинган, аммо уларнинг аксарияти сувда эримайди. Глицирризин кислотаси ва унинг тузлари асосида олинган комплекс бирикмаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, таъсир механизмлари бўйича Г.А.Толстиков бошчилигида чуқур илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек, Д.Н.Далимов ва О.Д.Матчановлар томонидан глицирризин кислотаси ҳамда унинг тузлари билан лагохилиннинг супрамолекуляр комплекс бирикмалари олиниб, уларнинг сувли эритмаларидаги мицелляр тузилиши, турғунлиги ва термодинамик хусусиятлари комплекс ҳосил қилувчи компонентлар нисбатига ва уларнинг кимёвий тузилишига боғлиқлиги аниқланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассаларининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИД-5.5. «Қон тўхтатувчи ва аллергияга қарши курашувчи «Инебрин» препаратининг ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва тажриба партиясини ишлаб чиқиш» (2007-2008), ИФА-2012-6-4 «Вена қон томири орқали қўлланиладиган Лаговин гемостатик дори воситаси клиник синовларини ўтказиш, дори шаклини технологиясини ўзлаштириш ва тажриба партиясини ишлаб чиқариш» (2012-2013), ФА-И11-ТО11 «Глилагин гемостатик препаратини ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш ва лагохилинни олиш техник шароитларини ишлаб чиқиш» (2015-2016) мавзусида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Lagochilus inebrians* Bge ўсимлигини кўпайтириш, лагохилиннинг ацетил ҳосилалари асосида сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларни олиш ва уларнинг гемостатик фаоллигини аниқлаш ҳамда ўсимлик қуруқ экстракти асосида гемостатик дори воситасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Lagochilus inebrians Bge ўсимлигини кўпайтиришнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

L. inebrians Bge ўсимлигини ўсиш даврида дитерпеноидлар таркибини сифат жиҳатидан ва унинг таркибидаги макро ҳамда микроэлементлар микдорини аниқлаш;

L.inebrians Bge ўсимлигидан лагохилин дитерпеноидини ажратиб олиш, унинг ацетил ҳосилаларини синтез қилиш, физик-кимёвий катталикларини аниқлаш;

ширинмия ўсимлиги (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизининг куюк экстрактидан глицирризин кислотаси (ГК) ва унинг моноаммонийли (ГКМАТ) тузини маълум усул бўйича ажратиб олиш;

лагохилин ацетил ҳосилаларининг ГК ва ГКМАТ билан турли моляр нисбатлардаги супрамолекуляр комплексларини олиш ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда спектрал хусусиятларини ўрганиш;

супрамолекуляр комплекслар сувли эритмаларининг қовушқоқлигини ўрганиш орқали молекуляр структураланиш жараёни ва ушбу жараёнга таъсир этувчи кучлар табиатини ўрганиш;

супрамолекуляр комплекс бирикмаларининг гемостатик фаоллигини ўрганиш ва уларнинг мақбул таркибини аниқлаш;

L.inebrians Bge ўсимлиги қуруқ экстракти асосида “Инебрин” субстанцияси ва таблетка дори шаклини яратиш ҳамда клиник синовларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Lagochilus inebrians* Bge ва *Glycyrrhiza glabra* L. ўсимликлари, лагохилин ва унинг ацетил ҳосилалари, ГК, ГКМАТ, лагохилин ацетил ҳосилаларининг супрамолекуляр комплекс бирикмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети *L. inebrians* Bge ўсимлигини кўпайтириш, ўсимликни ўсиш даврида лагохилин ацетил ҳосилаларининг ҳосил бўлишини сифат жиҳатдан ўрганиш, лагохилиннинг ацетил ҳосилалари синтези, уларнинг супрамолекуляр комплексларини олиш, физик-кимёвий ва спектрал хусусиятларини ҳамда гемостатик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда янги олинган моддаларнинг кимёвий тузилишларини аниқлаш учун физик-кимёвий таҳлил усуллари: юпқа қатламли хроматографияси (ЮҚХ), колонкали хроматография, ультрабинафша (УБ), инфрақизил (ИК) спектроскопия, оптик эмиссион спектроскопия (ОЭС), ПМР-спектроскопия, масс-спектрометрия ва биологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *L.inebrians* Bge ўсимлигини кўпайтиришнинг мақбул усули яратилган;

илк бор *L.inebrians* Bge ўсимлиги вегетация даврида таркибидаги дитерпеноидлар синтез бўлиш динамикаси ҳамда микро- ва макро-элементлар миқдори аниқланган;

илк бор лагохилиннинг моно-, ди-, три-, тетраацетил ҳосилалари синтез қилиниб, ГК ва ГКМАТ билан турли моляр нисбатлардаги сувда эрувчан супрамолекуляр комплекс бирикмалари олинган ҳамда уларнинг тузилишлари физик-кимёвий ва спектрал усулларда исботланган;

ГКМАТ ва ТетАЛ супрамолекуляр комплекслари сувли эритмаларида структураланиш жараёни ва эритма қовушқоқлигига таъсир этувчи кучлар табиати аниқланган;

олинган супрамолекуляр комплексларининг гемостатик фаолликлари аниқланган, ГКМАТ:ТетАЛ (2:1) комплекси юқори фаоллик намойиш этиши исботланган;

L.inebrians Bge ўсимлиги қуруқ экстракти асосида гемостатик “Инебрин” субстанцияси ва таблетка дори шакли олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

моно-, ди-, три- ҳамда тетраацетиллагохилинларнинг ГК ва ГКМАТ билан турли моляр нисбатлардаги сувда эрувчан супрамолекуляр комплекс бирикмалари синтез қилинган;

ГКМАТ:ТетАЛ (2:1) комплекси юқори гемостатик фаоллик намойиш этиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-тадқиқот усуллари: ультрабинафша, инфрақизил, оптик эмиссион спектроскопия, масс спектрометрия асосида таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижалар Республика ва дунё миқёсидаги бир қатор илмий амалий конференциялардаги тақдироти, рецензияланадиган журналларда чоп этилиши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *L.inebrians Bge* ўсимлигини интродукция қилиш билан Республикада гемостатик дори воситалари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бирламчи хом ашё базаси яратилганлиги, *L. inebrians Bge* ўсимлигидан ажратиб олинган лагохилин дитерпеноиди асосида унинг ацетил ҳосилалари синтез қилинганлиги ҳамда *Glycyrrhiza glabra* ўсимлиги илдизидан ажратиб олинган ГК ва ГКМАТ асосида янги супрамолекуляр комплекс бирикмалари олиниб, кимёвий тузилишларининг ўзига хос хусусиятлари, замонавий физик-кимёвий тадқиқот ҳамда спектрал усуллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти *L.inebrians Bge* ўсимлиги қуруқ экстракти асосида самарали қон тўхтатиш хусусиятига эга бўлган Инебрин гемостатик субстанцияси ва таблеткаси олиниши ҳамда Тошкент тиббиёт академиясида клиник синовлари муваффақиятли ўтказилиб, тиббиёт амалиётида қўллаш учун руҳсат олинганлиги билан белгиланади. Супрамолекуляр комплекс бирикмаларнинг тузилиши билан гемостатик фаоллиги орасидаги боғлиқлик ўрганилган, бу эса ўз навбатида янги гемостатик дори воситаларини яратишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маданийлаштирилган ва ёввойи ўсувчи *Lagochilus inebrians* ўсимлигини қиёсий кимёвий тадқиқ этиш, лагохилин ҳосилаларининг сувда эрувчан комплекслари синтези, тузилиши ва қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

L.inebrians Bge ўсимлиги қуруқ экстракти асосида олинган “Инебрин” дори воситаси субстанцияси Фармакопея мақоласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини

назорат қилиш бош бошқармаси» томонидан тасдиқланган (ФМ 42 Уз-2535-2018). Натижада республикада “Инебрин” субстанцияси асосида капилляр ва қон томирлардан қон кетишини тўхтатувчи воситаларни ишлаб чиқиш имконини берган.

“Инебрин” таблетка дори шакли Фармакопея мақоласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси» томонидан тасдиқланган (ФМ 42 Уз-2536-2018). Натижада самарали қон тўхтатувчи “Инебрин” таблетка кўринишидаги дори воситасини ишлаб чиқиш, республикада шу турдаги дори воситаларининг импорти ўрнини босиш имконини берган.

“Инебрин” дори воситасини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси» томонидан тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилган (02-14-сонли «Шаҳодатнома», 21 июль, 2014 й.). Натижада янги самарали қон тўхтатувчи “Инебрин” дори воситасини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация бўйича мақолаларни чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, шундан 2 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та ихтирога патент олиш учун талабнома топширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«*Lagochilus* ўсимликлари турлари, кимёвий таркиби. Глицирризин кислотаси ва ҳосилаларининг кимёвий тузилиши, биологик фаолликлари»** деб номланган биринчи бобида, *Lagochilus* оиласига мансуб ўсимликларнинг, табиатда тарқалиши, кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Лагохилиннинг ҳосилалари ва уларни ажратиб олиш усуллари, кимёвий модификация қилиш, биологик фаолликлари ҳамда *Glycyrrhiza glabra* ўсимлиги илдизининг асосий таъсир этувчи моддаси -

глицирризин кислотаси, унинг тузлари, биологик фаоллиги, коллоид-кимёвий хусусиятлари ҳамда супрамолекуляр кимёнинг асосий тушунчалари, ди- ва тритерпеноид бирикмаларнинг ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Lagochilus inebrians* Bge ўсимлигини маданийлаштириш. Ацетиллагохилинлар синтези, уларнинг супрамолекуляр комплекс бирикмаларини олиш ва қон қуюлиш жараёнига таъсирини ўрганиш» деб номланган иккинчи бобида *L. inebrians* Bge ўсимлигини стимулятор ва супрамолекуляр комплекслар таъсирида лаборатория шароитида уруғидан ўстириб, дала шароитида кўчат қилиб кўпайтириш, ўсимликни йиғиш, сақлашнинг мақбул шароитларини аниқлаш, ацетиллагохилинларни синтез қилиш, уларнинг ГК ва ГКМАТ билан турли нисбатдаги супрамолекуляр комплексларини олиш, комплекслар молекуласидаги структураланиш жараёни ва эритма қовушқоқлигига таъсир этувчи кучлар табиатини ўрганиш ҳамда комплексларнинг гемостатик фаоллигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар батафсил ёритилган.

L. inebrians ўсимлигини маданийлаштириш учун уруғининг униб чиқишига ҳамда ўсишига гиббереллин А₃ стимулятори ва ГК, ГКМАТ ҳамда лагохилин (Л) билан ГК, ГКМАТнинг 1:2, 1:4 нисбатлардаги супрамолекуляр комплексларининг 10⁻⁴, 10⁻⁵, 10⁻⁶, 10⁻⁷, 10⁻⁸ М концентрациялардаги эритмаларининг таъсири ўрганилган. *L. inebrians* ўсимлигини ўстиришда комплекс бирикмаларнинг 10⁻⁴, 10⁻⁵ М концентрациялари энг мақбул эканлиги ҳамда 1:2 нисбатдаги супрамолекуляр комплекслар 1:4 нисбатдаги комплексларга нисбатан фаолроқ эканлиги аниқланган.

L. inebrians Bge ўсимлигини қаламчалардан етиштириш бўйича тадқиқотлар 4 йил давомида олиб борилди. Учинчи йилдан бошлаб ўсимлик хомашёси йиғиб олинди, ўсимлик хомашёси уруғидан етиштиришда ўртача 9.2 ц/га тенг, қаламчалардан етиштиришда эса ўсимлик хомашёси ўртача 11.15 ц/га йиғиб олинди. Бу эса ўсимликни қаламчалардан етиштириш уруғдан етиштиришга нисбатан афзал эканлигини билдиради.

Маданийлаштирилган ва ёввойи *L. inebrians* ўсимлиги таркибида лагохилиннинг миқдори экстракция қилиш орқали аниқланган. Аввал қурилган ўсимлик майдаланиб, ишқор эритмаси билан ишлов берилди ва дихлорэтан билан экстракция қилинди.

1-жадвал

Ёввойи ва маданийлаштирилган ўсимликлардан ажратиб олинган лагохилин миқдори

Тажрибалар сони	Ўсимликнинг г миқдори, гр	Ёввойи ўсимликдаги лагохилин миқдори, %	Маданийлаштирилган ўсимликдаги лагохилин миқдори, %
1	100	1.59	1.75
2	100	1.61	1.78
3	100	1.63	1.80
4	100	1.60	1.76
5	100	1.65	1.82
Ўртача		1.616	1.782

Экстракт филтрланиб, совуткича қолдириб, чўкмага тушган лагохилин кристаллари ажратиб олинди. Ёввойи ўсимликда лагохилин миқдори ўртача 1.616%, маданийлаштирилган ўсимликда эса 1.782 % ни ташкил қилди (1-жадвал).

L.inebrians Bge ўсимлиги ўсишида таркибидаги лагохилин ва унинг ацетил ҳосилаларини қайси вақтда ўсимликда ҳосил бўлиши ҳамда таркибидаги макро- ва микро элементлар миқдори аниқланди. *L.inebrians Bge* ўсимлигининг ўсиш даврида таркибидаги лагохилин ва унинг ацетил ҳосилаларини идентификация қилишда ЮҚХ усулидан фойдаланилди. Ўсимлик ўсиш жараёнида дастлаб лагохилин, сўнгра кетма-кет лагохилиннинг моно-(МонАЛ), ди-(ДиАЛ), три-(ТрАЛ) ва тетра(ТетАЛ) ацетил ҳосилалари синтез бўлиши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал


***L. inebrians Bge* ўсимлигини ўсиш жараёнида ўсимликда лагохилин ва унинг ацетил ҳосилалари ҳосил бўлиши**

№	Вақт (кун)	Лагохилин	МонАЛ	ДиАЛ	ТрАЛ	ТетАЛ
		*R _f				
1	7	0,15	-	-	-	-
2	14	0,15	0,36	0,58	-	-
3	21	0,15	0,36	0,58	0,82	-
4	28	0,15	0,36	0,58	0,82	0,91

*система: тетрахлорметан-ацетон 7:5

L.inebrians Bge ўсимлигини ўсиш жараёнида таркибидаги микро- ва макроэлементлар миқдорини аниқлашда индуктив боғланган аргон плазмали оптик эмиссион спектрометрия (ОЭС) усулидан фойдаланилди. Олинган натижалар лагохилус ўсимлигининг ўсиш даврида микроэлементлар Li, Si, Al, Br, Со миқдори камайиб боришидан ва макроэлементлар Na, К, Mg, Fe, Mn, Са миқдори эса дастлаб ортиб, кейин камайиб боришидан далолат берди.

L.inebrians Bge ўсимлигидан адабиётларда келтирилган усулдан фойдаланиб, лагохилин ажратиб олинди ва сирка ангидриди иштирокида унинг ацетил ҳосилалари синтез қилинди. Бунинг учун қайта кристаллаб тозаланган лагохилин сувсизлантирилган пиридинда эритилди ва сирка ангидриди солиб аралаштириб, хона хароратида 48 соатга қолдирилди. Эритувчи ҳайдаб, лагохилиннинг ацетил ҳосилалари аралашмаси олинди (1-схема). Лагохилиннинг ацетил ҳосилалари аралашмасини колонкали хроматография усули бўйича ажратилди. Тетрахлорметан:ацетон 20:1 системадан фойдаланиб, R_f кийматига қараб, ацетил ҳосилалари фракциялаб олинди, уларнинг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари ўрганилди (3-жадвал). Лагохилин ацетил ҳосилалари рангсиз ёғсимон суюқлик, этанол, ацетон, хлороформ, бензол, эфир каби эритувчиларда яхши эрийди.



1-схема. Лагохилин ацетил ҳосилаларини синтез қилиш ва ажратиб олишнинг умумий схемаси


3-жадвал

Лагохилин ацетил ҳосилаларининг айрим физик-кимёвий катталиклари

№	Моддалар	Брутто формула; М.м.	R _f *	Унум, %	ИҚ-спектр, см ⁻¹
1	МонАЛ	C ₂₂ H ₃₈ O ₆ ; 398	0,36	19,6	1738(CO), 2937(CH ₃), 3453(OH)
2	ДиАЛ	C ₂₄ H ₄₀ O ₇ ; 440	0,58	22,1	1739(CO), 2923(CH ₃), 3510(OH)
3	ТрАЛ	C ₂₆ H ₄₂ O ₈ ; 482	0,82	24,3	1740(CO), 2934(CH ₃)
4	ТетАЛ	C ₂₈ H ₄₄ O ₉ ; 524	0,91	26,5	1245(COC), 1739(CO), 2963(CH ₃)

*система: тетрачлорметан-ацетон 7:5

Лагохилин ва унинг ацетил ҳосилаларининг ИҚ-спектрлари таққосланганда лагохилин ОН-гурӯҳлари тебранишларига хос бўлган 3100-3600 см⁻¹ соҳадаги тебраниш частоталари интенсивлигининг моно-, ди-, три-, тетраацетил қаторида пасайиб, йўқолиши кузатилди (1-расм).




1-расм. МонАЛ (1), ДиАЛ(2), ТетАЛ(3) ИҚ- спектрлари

МонАЛ ИҚ-спектрида ОН- гуруҳи валент тебраниш чизиклари 3453 см⁻¹да кузатилса, ДиАЛда эса 3510 см⁻¹ тўлқин узунлигида кузатилди. Шунингдек, лагохилиннинг ацетил ҳосилалари қаторида ацетилнинг С=О гуруҳи валент тебраниши натижасида юзага келган 1738 см⁻¹ даги валент тебраниш интенсивлиги ортиб борди.

Лагохилин ацетил ҳосилаларининг молекуляр массаси масс-спектрометрия усулида электросперий ёрдамида, мусбат ионизация шароитида ўрганилганда молекуляр ионлари $[M^+H]$ кўринишида m/z 399 МоАЛ, m/z 441 ДиАЛ, m/z 483 ТрАЛ ва m/z 525 ТетАЛ тенглиги аниқланди. Амалий олинган натижалар назарий ҳисобланган молекуляр массаларга мос келди.

Адабиётлардан маълумки, лагохилин ва унинг ацетил ҳосилалари сувда эримайди, шу сабабли уларнинг биологик фаолликлари, хусусан гемостатик фаоллиги чегараланган. Лагохилин ацетил ҳосилаларининг сувда эрувчан супрамолекуляр комплекс бирикмаларини олиш учун *Glycyrrhiza glabra* (ширинмия) ўсимлиги илдизи куюқ экстрактидан адабиётларда маълум усул бўйича глицирризин кислотаси (ГК) ва унинг моноаммонийли тузи (ГКМАТ) ажратиб олинди ҳамда уларнинг айрим физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди.

Супрамолекуляр комплекс бирикмаларни синтез қилиш жараёнларида асосан тозалик даражаси 80-82% бўлган ГК ва ГКМАТ ларидан фойдаланиб, лагохилин ацетил ҳосилаларини сувда эрувчан супрамолекуляр комплекслари олинди (2-схема).



Бу ерда: $R = H, NH_4$, $n = 2, 4$

$R' =$ МоАЛ, ДиАЛ, ТрАЛ, ТетАЛ

2-схема. Лагохилин ацетил ҳосилаларининг ГК ва ГКМАТ билан супрамолекуляр комплексларини олиш схемаси

Лагохилин ацетил ҳосилаларининг ГК билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплекслари оқ рангли, аморф кукун. ГКМАТ билан олинган супрамолекуляр комплекслар эса оч сариқ рангли аморф кукун, 0.2% ли сувли эритмаси гел хусусиятига эга. Супрамолекуляр комплекс бирикмаларнинг айрим физик-кимёвий ва спектрал параметрлари ўрганилди (4-жадвал). Барча комплекс бирикмалар сувда яхши эрийди, кўпгина органик эритувчиларда эримайди. Комплекс бирикмалар ИҚ-спектрида $1730-1725\text{ см}^{-1}$ соҳада лагохилин ацетилининг ($C=O$) карбонил гуруҳи валент тебранишлари ва $3525-3220\text{ см}^{-1}$ соҳада водород боғлари ҳосил қилишда қатнашган OH -гуруҳларнинг валент тебранишлари кенг елка кўринишида намоён бўлиши ва $2950-2940\text{ см}^{-1}$ да метил гуруҳларнинг деформацион тебранишлари намоён бўлиши кузатилди. Дастлабки моддалар спектрлари билан комплекс бирикмалар спектрлари таққосланганда юзага келган қатор ўзгаришларни кузатиш мумкин ва бу “меҳмон-мезбон” кўринишдаги супрамолекуляр комплекс бирикма ҳосил бўлганидан далолат беради.

**Лагохилин ацетил ҳосилаларининг ГК ва ГКМАТ билан олинган супрамолекуляр
комплексларининг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари**


№	Моддалар	T _{суюқ.} , °C парч-ш	R _f	[α] _D , 0.5%, 50% EtOH	ИК, см ⁻¹	Унум, %
1.	МонАЛ-ГК 1:2	190-191	0,68 (I)	+16	1045(COC), 1731(CO) 2947(CH ₃), 3522(OH)	87.0
2.	МонАЛ-ГК 1:4	192-193	0.77 (II).	+14	1045(COC), 1732(CO) 2949(CH ₃), 3523(OH)	89.9
3.	МонАЛ-ГКМАТ 1:2	198-199	0.23 (III)	+14	1043(COC), 1728(CO) 2943(CH ₃), 3223(OH)	87.7
4.	МонАЛ-ГКМАТ 1:4	200-201	0.22 (III)	+16	1043(COC), 1729(CO) 2946(CH ₃), 3226(OH)	89.5
5.	ДиАЛ-ГК 1:2	185-186	0.72 (I)	+14	1041 (COC), 1732 (CO) 2863 (CH ₃), 3524(OH)	88.5
6.	ДиАЛ-ГК 1:4	187-188	0.71 (I)	+14	1041 (COC), 1733 (CO) 2865 (CH ₃), 3526(OH)	89.4
7.	ДиАЛ-ГКМАТ 1:2	201-202	0.20 (III)	+16	1040 (COC), 1739(CO) 2944(CH ₃), 3410(OH)	91.0
8.	ДиАЛ-ГКМАТ 1:4	204-205	0.20 (III)	+18	1040 (COC), 1743(CO) 2946(CH ₃), 3412(OH)	91.6
9.	ТрАЛ-ГК 1:2	205-206	0.70 (I)	+20	1041(COC), 1736(CO) 2969(CH ₃), 3383(OH)	84.7
10.	ТрАЛ-ГК 1:4	207-208	0.70 (I)	+20	1041(COC), 1737(CO) 2971(CH ₃), 3385(OH)	88.6
11.	ТрАЛ-ГКМАТ 1:2	218-219	0.17 (III)	+22	1041(COC), 1735(CO) 2948(CH ₃), 3451(OH)	84.5
12.	ТрАЛ-ГКМАТ 1:4	220-221	0.17 (II)	+20	1041(COC), 1736(CO) 2950(CH ₃), 3452(OH)	87.0
13.	ТетАЛ-ГК 1:2	178-180	0.81 (I)	+20	1041, (COC), 1735 (CO) 2948, (CH ₃), 3451 (OH)	90,2
14.	ТетАЛ-ГК 1:4	181-183	0.80 (I)	+18	1041, (COC), 1736 (CO) 2950, (CH ₃), 3452 (OH)	93,3
15.	ТетАЛ-ГКМАТ 1:2	199-201	0.26 (III)	+16	1041 (COC), 1736 (CO) 2969, (CH ₃), 3383 (OH)	82,6
16.	ТетАЛ-ГКМАТ 1:4	205-207	0.25 (II)	+18	1041, (COC), 1737 (CO) 2970, (CH ₃), 3384 (OH)	88,3

I. этилацетат:этанол 6:2; II. хлороформ:ацетон 5:1; III. этилацетат:ацетон 5:1


УБ-спектрда ГК ва ГКМАТ нинг C ҳалқасидаги қўшбоғ билан конъюгирланган C=O нинг π электронларига тегишли π-π* ўтишга мос келадиган интенсив ютилиш максимум қиймати сув:этанол (1:1) тизимда яқин УБ- соҳада 250-253 нм тўлқин узунлигида кузатилди. Олинган супрамолекуляр комплекс бирикмаларнинг сувли эритмаларининг ковушқоқликларини ўрганиш орқали уларнинг барқарорлигини таъминловчи кучлар табиатини таҳлил қилишга ҳаракат қилинди.

ГКМАТ:ТетАЛ (2:1) комплекси эритмаларининг гидродинамик хусусиятлари. ГКМАТ сувли эритмаларида ҳосил бўлувчи мицелляр структуралар ҳамда бу жараёнда мицеллаларнинг барқарорлигини таъминловчи кучлар табиатини ўрганиш, унинг комплекслари қандай таъсирлар натижасида вужудга келишини билиш имконини беради. Маълумки, сирт фаол моддалар (СФМ) эритмасидаги мицеллалар структурасига эритувчи ва системанинг ҳарорати, электролитнинг мавжудлиги, СФМнинг табиати ҳамда унинг концентрацияси таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида эритмада турли шаклдаги мицеллалар мавжуд бўлиши мумкин ва танланган шароитда уларнинг ичида термодинамик жиҳатдан энг барқарор шакли устунлик қилади. Адабиётларда ГКМАТ эритмасининг мицелла ҳосил қилиш критик концентрацияси (МКК) 0.2% да ($2.125 \cdot 10^{-3}$ моль/л) бошланиши кўрсатилган.

ГКМАТ:ТетАЛ (2:1) комплекси эритмасида ҳосил бўлувчи мицелляр структуралар ҳамда уларни барқарорлаштирувчи кучлар табиатини аниқлаш учун, унинг эритмалари қовушқоқлигига турли агентлар: мочевина (молекулалараро водород боғларини парчаловчи), ксилоза (гидрофоб таъсирлашувчи экранловчи) ва KCl (электролит) ларнинг таъсири ўрганилди. Комплекс эритмаси келтирилган қовушқоқлигининг концентрацияга боғлиқлиги графигида 0.2% концентрацияга мос келувчи нуқтада синиш кузатилиб, мазкур концентрацияда эритмада структура ўзгариши бошланганини тасдиқлагани учун комплекс эритмаларининг гидродинамик хусусиятлари 0.2% ва ундан кичик бўлган концентрацияларда тадқиқ этилди. ГКМАТ, лагохилиннинг ацетил ҳосилалари билан молекуляр комплекслари бир-биридан гидрофил-гидрофоб баланси бўйича фарқ қилади ва ўз-ўзидан ГКМАТ эритмасининг гидродинамик хоссаларига турлича таъсир қилади. 0,1М мочевина эритмасида (2-расм, а) комплекснинг концентрацияси ортиши билан қовушқоқлик камайиб, оқувчанлик ортиб бориши мазкур эритмалар тизимланишининг барқарорланиши фақат водород боғлар ҳисобига эмас, балки бошқа ўзаро, гидрофоб ва гидрофил таъсирлар ҳисобига ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатди.



а



б

2-расм. 0,1М мочевина (а) ва 0,01М ксилоза (б) муҳитида ГКМАТ:ТетАЛ комплекси сувли эритмалари қовушқоқлигининг концентрацияга боғлиқлик графиги

Гидрофоб таъсирланишга таъсир этувчи агент - ксиллозанинг 0,01 М муҳити таъсирида комплекснинг эритмалари қовушқоқлиги концентрацияга боғлиқлиги эгри чизиғи деярли ўзгармади (2-расм, б), демак супрамолекуляр

комплекс барқорор бўлганлиги учун комплексдаги гидрофоб таъсирланишга таъсир этиши ГКМАТ га қараганда камроқ бўлган шунинг учун комплексни қовушқоқлиги ортмаган бўлиши мумкин.


0,1н KCl муҳиtida комплекс концентрацияси ортиши билан келтирилган қовушқоқликнинг камайиб, оқувчанлик ортиб бориши кузатилди (3-расм). ГКМАТ ва ТетАЛ кучли боғланганлигидан K^+ ионлари ГКМАТнинг структураланишига таъсир қилмасдан, аксинча мицеллаларнинг бузилишига таъсир этиши мумкин, деб тахмин қилинди.




а

3-расм. 0,1н KCl муҳиtida ГКМАТ:ТетАЛГ комплекси сувли эритмалари қовушқоқлигининг концентрацияга боғлиқлик графиги

ГКМАТнинг ГКМАТ:ТетАЛ супрамолекуляр комплекси сувли эритмаларининг гидродинамик хоссалари ўзаро солиштирилганда (4-расм, а), комплекс эритмаси келтирилган қовушқоқлиги нисбатан қийматлари ГКМАТ га нисбатан пастроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Буни комплекс компакт хажмли “мезбон–меҳмон” структураларнинг пайдо бўлиши оқибатида юзага келиши билан изоҳланади.



а



б

4-расм. Келтирилган қовушқоқлигнинг концентрацияга (а) ва 0,1%ли комплекс сувли эритмаси қовушқоқлигининг ҳароратга (б) боғлиқлик графиги

0,1 % ли ГКМАТ-ТетАЛ сувли эритмаси қовушқоқлиги ҳароратга боғлиқлиги тадқиқ этилганда, ҳарорат $30^{\circ}C$ гача кўтарилганда комплекснинг келтирилган қовушқоқлиги максимумга етиб, сўнг яна камайиши кузатилди (4-расм,б). Бу комплекс ҳосил бўлишида одатдаги таъсирлашувлардан бошқа таъсирлар ҳам борлигини, улар маълум ҳарорат интервалида ҳосил бўлиб, сўнг яна сусайиб боради, деб тахмин этиш мумкин. Буни худди молекулалар ўртасидаги “ориентацион таъсир”га ўхшатиш мумкин. Иссиклик таъсирида молекуланинг қутбли қисмларидаги зарядлар қисман ошади, натижада бир хил зарядлар бир-биридан итарилиши ҳисобига мицелланинг ҳажми

катталашади, бу эса оқувчанлик камайиб, қовушқоқлик ортишига олиб келади деб тахмин қилиш мумкин. Ҳарорат 30⁰С дан юқори бўлганда “ориентацион таъсир” кучлар бузилиши натижасида қовушқоқлик камайиб боради.

Супрамолекуляр комплексларнинг гемостатик фаолликлари. Олинган супрамолекуляр комплексларнинг қон қуюлиш жараёнига таъсири ЎЗР ФА биоорганик кимё институти фармакология лабораторияси к.и.х., б.ф.н. Н.Л.Выпова томонидан ўрганилди. Супрамолекуляр комплекс бирикмаларнинг қон қуюлиш тизимига таъсири қон кетиш вақти ва қон йўқотиш миқдори тестига мувофиқ аниқланди. Бу тест ўзида гемостазнинг томир-тромбоцитар механизмини акс эттиради ва тромбоцитлар миқдори ва ҳолати (адгезия ва агрегациялаш хусусияти) билан белгиланди. Олинган маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Лагохилиннинг ацетил ҳосилалари ва олинган комплексларнинг каламушларга киритилгандан 60 дақиқа ўтгач қон тўхташ вақти, ($M \pm m$; $n=5$)

№	Препарат номи	Препарат дозаси, тест, ўлчов бирликлари		№	Препарат номи	Препарат дозаси, тест, ўлчов бирликлари	
		10 мг/кг				10 мг/кг	
		Қон тўхташ вақти				Қон тўхташ вақти	
		сек	%			сек	%
1	Назорат (сув)	260±28,5	100	9	МонАЛ:ГКМАТ 1:2	130±10,8	50
2	ГК	235 ±5,5	90	10	ДиАЛ:ГКМАТ 1:2	120±18,3	46
3	ГКМАТ	240 ±5,8	92	11	ТрАЛ:ГКМАТ 1:2	110±18,3	42
4	Лагохилин	103±15,8	39	12	ТетАЛ:ГКМАТ 1:2	10±0,8	3,8
5	МонАЛ	105±28	40	13	МонАЛ:ГК 1:2	105±8,1	40
6	ДиАЛ	131±16	50	14	ДиАЛ:ГК 1:2	98±7,3	37
7	ТрАЛ	160±28	61	15	ТрАЛ:ГК 1:2	57±5,8	21
8	ТетАЛ	185±16	71	16	ТетАЛ:ГК 1:2	45±3,5	17

Олинган супрамолекуляр комплекслар орасида ТетАЛ:ГКМАТ (1:2) бирикма энг юқори гемостатик фаоллик намоён этди. Бизнинг фикримизча, унинг гемостатик фаоллигини юқори бўлиши, ундаги эркин карбоксил гуруҳларнинг Ca^{2+} ионлари билан боғланиб, гемостаз жараёни каскадининг ишга тушишини тезлаштириши ва қон ивиш жараёнида протромбинни тромбинга айланишини тезлаштириши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «*Lagochilus inebrians* Vge ўсимлигининг қуруқ экстракти асосида самарали қон тўхтатувчи “Инебрин” дори воситасининг субстанцияси ва дори шаклини яратиш» деб номланган учинчи боби *L.inebrians* Vge ўсимлигининг қуруқ экстракти асосида “Инебрин” субстанцияси ва дори шаклини олишга бағишланган. Ўсимликдан сувли экстрактни қуруқ ҳолда ажратиб олиш технологик схемаси ва “Инебрин” субстанциясини ўсимликдан ажратиб олиш саноат технологик жараёни ишлаб чиқилди. Унга асосан ўсимликдан 17-18 % унум билан қуруқ

экстракт ажратиб олинди. Унинг таркибида лагохилин ва унинг ацетил ҳосилаларининг миқдори 1.5-2.0% ни ташкил этди. Лагохилус ўсимлиги қуруқ экстракти асосида “Инебрин” субстанцияси ва унинг таблетка шакллари ишлаб чиқиш ва стандартлаш ишлари ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳамда Тошкент фармацевтика институти «Тайёр дори шакллари кафидраси» олимлари билан ҳамкорликда олиб борилди ва “Инебрин” субстанциясининг технологик параметрлари ўрганилиб чиқилди. Унинг физик-кимёвий хусусиятларини инобатга олиб, нам донадорлаш усули асосида таблетка шакли яратилди. “Инебрин” субстанцияси ва прессланадиган массаларнинг физик-кимёвий ҳамда технологик хоссалари, таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида ўрганилди. Тошкент фармацевтика институти билан ҳамкорликда “Инебрин” таблеткалари учун бир неча хил таркиблар ишлаб чиқилди ва энг мақбул таркиб сифатида қуйидаги белгиланди: битта таблетка таркиби: “Инебрин” (субс.) 0.2 г; МКЦ- 0.145г; картошка крахмали- 0.15г; кальций стеарат – 0.005г; Таблетка массаси -0.5г. Шунингдек субстанция ва таблетка дори шаклидаги лагохилиннинг миқдорини аниқлашнинг ПМР спектроскопия усули ЎМКИ олимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Миқдорий таҳлил дейтеропиридин эритувчисида олиб борилди. Миқдорий ўлчашлар лагохилин молекуласидаги С-4 атомидаги метил гуруҳининг сигналлари амплитудаси ва интеграл интенсивликлари асосида олиб борилган. ПМР спектроскопия усули ёрдамида “Инебрин” субстанциясида лагохилин миқдори $1.9 \pm 0.1\%$ ва таблетка дори шаклида эса $0.95 \pm 0.05\%$ эканлиги аниқланди. “Инебрин” субстанцияси ва таблеткасини стандартлаш ишлари ДФ XI талабларига мувофиқ бажарилди.

“Инебрин” препаратининг гемостатик фаоллиги, дицинон таблеткалари билан таққослаб ўрганилди. Инебрин 50 мг/кг дозада юборилганда қон кетиш вақти назоратдан 2.4 маротаба камайди, йўқотилган қон миқдори 5.7 маротаба камайди. Дицинон юборилганда 60 дақиқа ўтгандан кейин қон кетиш вақтини 1.4 маротаба камайтирди. Йўқотилган қон миқдори 2.5 маротабача камайди. Шундай қилиб, “Инебрин” таблеткаси Дицинон таблеткаларидан самарали таъсир кўрсатиши аниқланди. “Инебрин” субстанцияси ва дори шакллари учун фармакопея мақолалари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва “Инебрин” таблеткасининг клиник синовлари ЎЗР ССВ Фармакология Қўмитасининг 2011 йил 13 январ 1-сонли мажлиси қарорига кўра Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасининг ЛОР кафедрасида муваффақиятли ўтказилди. “Инебрин” субстанцияси (ФМ 42Уз-2535-2018) ва таблетка дори шакли (ФМ 42 Уз-2536-2018) фармакопея мақолалари тасдиқланди. ЎЗР ССВ 2014 йил 21 июлдаги 262-сон буйруғига биноан Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан “Инебрин” субстанцияси ва таблетка дори шаклига тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат этилганлиги тўғрисида 02-14-сонли «Шаходатнома» берилди.

Диссертациянинг «Лагохилиннинг ацетил ҳосилаларини ГК ва ГКМАТ билан супрамолекуляр комплексларини олиш шароити ҳамда

услублари» деб номланган тўртинчи бобида фойдаланилган асбоб ускуналар, ЮҚХ ва колонкали хроматография учун қўлланилган системалар, *L.inebrians* ўсимлигини маданийлаштириш учун фойдаланилган стимуляторлар ва супрамолекуляр комплексларнинг эритмаларини тайёрлаш, лагохилин ва лагохилин ацетил ҳосилаларининг синтез усуллари, ГК ва ГКМАТни ажратиш, супрамолекуляр комплексларни олиш, *L. inebrians* Bge ўсимлиги куруқ экстракти асосида инебрин субстанцияси ва таблеткасини олиш усуллари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. *Lagochilus inebrians* Bge ўсимлигини маданийлаштиришда ҳосилдорлик қаламчалардан етиштиришда уруғдан кўпайтиришга қараганда 2 ц/га самарали эканлиги, ўсимлик вегетатив органларида лагохилин ва унинг ҳосилалари 28-30 кун давомида тўлиқ синтез бўлиши, ушбу даврда микроэлементлар миқдори камайиб, макроэлементлар миқдори дастлаб ортиши, кейин эса камайиб бориши билан изоҳланади.

2. Лагохилиннинг моно-, ди-, три- ва тетраацетил ҳосилалари ва уларнинг ГК, ГКМАТ билан турли моляр нисбатлардаги супрамолекуляр комплекслари синтез қилинди, комплекслар тузилиши, физик-кимёвий хусусиятлари ИҚ- ва УБ - спектроскопия усуллари асосида исботланди.

3. Илк бор ГКМАТ билан лагохилиннинг ацетил ҳосилалари супрамолекуляр комплекслари сувли эритмалари қовушқоқлигига таъсир этувчи кучлар табиати ва комплекс бирикмаларнинг сувли эритмаларини структураланиши “гидрофоб-гидрофоб” таъсирлашиш ва водород боғлари ҳисобига вужудга келиши билан изоҳланади.

4. ГКМАТ билан лагохилин ацетил ҳосилалари комплексларининг специфик гемостатик фаолликларини ўрганиш натижасида, 2:1 нисбатдаги комплекс нисбатан юқори гемостатик фаолликни намоён қилиши исботланди ва улар асосида гемостатик дори воситаси олиш таклиф этилди.

5. Лагохилус ўсимлиги куруқ экстракти асосида «Инебрин» гемостатик дори воситаси субстанцияси ва дори шакли учун Фармакопоя мақоласи ишлаб чиқилди ва тасдиқланди ҳамда ЎзР ССВ томонидан гемостатик дори воситаси сифатида рўйхатга олинди ва тиббиёт амалиётида қўллаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ИСЛОМОВ АКМАЛ ХУШВАКОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНОЕ ХИМИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
КУЛЬТИВИРОВАННОГО И ДИКОРАСТУЮЩЕГО LAGOSCHILUS
INEBRIANS И ПОЛУЧЕНИЕ ВОДОРАСТВОРИМЫХ КОМПЛЕКСОВ
ПРОИЗВОДНЫХ ЛАГОХИЛИНА**

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ(PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/K16

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biohsem.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель

Далимов Давранбек Нигманович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты

Абдушукуров Анвар Кабирович
доктор химических наук, профессор
Рамазанов Нурмурод Шералиевич
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ Узбекистана (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел. 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер №____). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки ___ от _____ 2019 года).

Ш.И.Салихов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А.Шомуротов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

М.Б.Гафуров

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.х.н.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировом масштабе проводятся исследования по выделению лекарственных препаратов из растений, определению их химической структуры и биологической активности, а также внедрению их в практику. Природные соединения, извлеченные из растений, обладают высокой биологической активностью, среди таких соединений терпеноиды и их производные имеют особенное значение. Виды растения *Lagochilus* имеют большое практическое значение благодаря своим целебным свойствам. На Востоке они являются одним из эффективных кровоостанавливающих лекарственных растений и используются, как эффективное лекарственное средство от различных кровотечений. Основным действующим веществом растения *Lagochilus* является четырехатомный спирт – дитерпеноид лагохиллина. Синтез и определение биологической активности Лагохиллина и его производных, а также создание эффективных препаратов с гемостатической активностью на их основе, являются одними из актуальных задач.

В мире выявление новых видов растений, содержащие дитерпеноиды лагохиллина и получение их производных с высокой биологической активностью, а также исследование их химической структуры является актуальной задачей. Выявление новых источников среди растений типа *Lagochilus* с содержанием дитерпеноидов лагохиллина, выделение дитерпеноидов лагохиллина из их состава; доказать строение индивидуальных соединений; путем модификации синтезировать производных с высокой биологической активностью; определение биологической активности путем сравнения извлеченных и синтезированных продуктов; внедрение в практику активных соединений, полученных из существующих источников биологической активности, имеет важное научное и практическое значение.

В нашей республике проводятся широкомасштабные мероприятия по организации научно-исследовательских работ в направлении развития по созданию лекарственных средств на основе местного сырья и обеспечению местного фармацевтического рынка качественными лекарственными средствами. На основе проведенных работ в этом направлении, достигнуты значительные результаты по организации производства конкурентоспособных препаратов из местного растительного сырья. На основе лагохилуса созданы ряд (лагоден, логовин и глилагил) эффективных лекарственных препаратов с кровоостанавливающим свойством. В 4-ом направлении Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан определены задачи «развития фармацевтической промышленности, обеспечения качественными лекарственными средствами медицинские учреждения и население»¹. В рамках выполнения этих задач, интродукция растения *Lagochilus inebrians*

¹ Указ Президента Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2020 годах

Всего, сравнительное изучение его химического состава, синтез производных ацетил лагохилина, получение водорастворимых супрамолекулярных комплексов и изучение биологической активности, научно-исследовательские работы по получению новых биологически активных соединений, имеют большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2020 годах» и №УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», № ПП-3729 от 18 мая 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия распространению гриппа и других острых респираторных инфекций в Республике Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на изучение растений рода Лагохилус проводились во многих ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира. Известный ботаник Леман приехал в Среднюю Азию и отобрал несколько образцов растений рода Лагохилус. Эти образцы были исследованы А.Бунге в после смерти Лемана, он описал новый вид растения *Lagochilus inebrians* Bunge. В Рупхерт участвовал в экспедиции Тянь-Шань и открыл новые типы растения *Lagochilus platyacanthus* Rupr и *L.kaschgaricus* Rupr. Датский ботаник Паульсен в горах Памира подготовил большой гербарий растений. Брике анализируя этот гербарий определил новый тип Лагохилуса и назвал его *Lagochilus Paulsenii* Briq. О.Э.Кнорринг открыл 10 типов лагохилуса, растущих в Средней Азии (*L. subhispidus* Knorr, *L.zeravschanicus* Knorr., *L.macrodontus* Knorr., *L.Androsovii* Knor, *L.turkestanicus* Knorr. *L.schugnanicus* Knorr., *L.usunachmaticus* Knorr., *L.longidentatus* Knorr., *L.Nevskii* Knorr., *L.kschtutensis* Knorr.)

В нашей республике в этом направлении большой вклад внесли такие ученые как Г.В.Лазурьевский, О.С.Садыков, И.Э.Акопов, М.М. Абрамов, Т.П.Пулатова, М.И.Икрамов, И.И.Ибрагимов, Т.Р.Абдурахманов, С.А.Ауелбеков, У.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Далимов, которые изучали химический состав растения *Lagohilus*. И.Ф.Проскурина и Л.М.Уткин из растения Лагохилус выделили алкалоид стахидрин. По данным Р.Л.Хазановича в период ветения и осеменения *L. Inebrians* содержит 0,217% эфирных масел.

